# Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган ● WWW.XS.UZ ● E-mail: Info@xs.uz ● 2015 йил 1 декабрь, № 231 (6414) Сешанба

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.


ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ КОНСТИТУЦИЯСИ ҚАБУЛ ҚИЛИНГАНИНИНГ 23 ЙИЛЛИГИГА

# ФАРОВОНЛИК ВА ТАРАҚҚИЁТ КАФОЛАТИ

*Яна саноқли кунлардан сўнг Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси қабул қилинганига 23 йил тўлади. Айни пайтда юртимизда ушбу муҳим санани муносиб нишонлаш шукуҳи ҳукмрон. Хусусан, шаҳар ва қишлоқларимиздаги таълим муассасаларида Асосий Қонунимизни чуқур ўргатиш, ўсиб келаётган авлоднинг ҳуқуқий билим ҳамда маданиятини янада юксалтиришга қаратилган маънавий-маърифий тадбирлар, интеллектуал ва ижодий танловлар бири-бирига уланиб кетмоқда.*



Ҳасан ПАЙДОЕВ олган сурат.

Пировардида ёшларимиз мамлакатимизда барча соҳада амалга оширилаётган кенг қамровли ислоҳотлар замирида, энг аввало, фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, жамиятда қонун устуворлигини кафолатлаш, ҳар бир инсоннинг тинч ҳамда фаровон ҳаёт кечиришини таъминлашдек улуғвор мақсадлар мужассам эканини янада теран англаб етаётир. Бунга мутаносиб равишда уларнинг ҳуқуқий саводхонлиги ошиб бормоқда. Зотан, юксак ҳуқуқий маданият демократик жамият пойдевори ва ҳуқуқий тизимнинг етуклик кўрсаткичидир.

Таъкидлаш жоизки, Президентимизнинг 2001 йил 4 январдаги "Ўзбекистон Республикаси Конституциясини ўрганишни ташкил этиш тўғрисида"ги фармойиши бу борадаги ишларнинг сифати ҳамда самарадорлигини юксалтиришда дастуриламал бўлаяпти. Ушбу ҳужжат ижроси доирасида бугунги кунда юртимиздаги мактабгача таълим муассасаларидан бошлаб барча ўқув даргоҳида Конституциямизнинг мазмун-моҳияти, унда ифодаланган тушунча ва тамойиллар муфассал ўргатилаяпти.

— Мактабгача таълим муассасаларида "Конституция сабоқлари" ўқув машғулотлари йўлга қўйилган бўлиб, бунда кичкинтойларнинг ёши, дунёқараши, психофизиологик хусусиятлари инобатга олинган, — дейди Халқ таълими вазирлиги Маънавий-ахлоқий тарбия бошқармаси бошлиғи Ҳикматилла Даминов. — Умумтаълим мактабларининг 1 — 4-синфларида эса болалар "Конституция алифбоси", 5 — 7-синфларда "Конституция оламига саёҳат" ўқув курслари, 8-синфда "Давлат ва ҳуқуқ асослари" ҳамда 9-синфда "Конституциявий ҳуқуқ асослари" фанлари орқали Асосий Қонунимиз ҳақида билим ва кўникмаларини мустаҳкамламоқда. Ўқув машғулотлари замонавий педагогик технологиялар асосида олиб борилаётгани, илғор ахборот-коммуникация технологияларидан кенг фойдаланилаётгани ҳуқуқий таълим-тарбиянинг такомиллашувида муҳим омил бўлаётир.

(Давоми 2-бетда).

ХАЛҚАРО КОНФЕРЕНЦИЯ

*Пойтахтимизда "Инсон ҳуқуқ ва эркинликларининг ишончли ҳимоясини таъминлаш — мамлакатни демократик янгилаш ва модернизациялашнинг асосий йўналиши: Ўзбекистон тажрибаси" мавзуида халқаро конференция ўтказилди.*

# Инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш — устувор мақсад

Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази, Олий Мажлиснинг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман), Бош прокуратура, Адлия ва Ички ишлар вазирликлари, Олий суд ҳузуридаги Тадқиқот маркази, Ўзбекистон нодавлат нотижорат ташкилотлари миллий ассоциацияси ҳамда БМТ Тараққиёт дастури ва ЕХҲТнинг Ўзбекистондаги лойиҳалари координатори, К. Аденауэр ҳамда Ф. Эберт номидаги жамғармалар ҳамкорлигида ташкил этилган мазкур тадбирда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари ва Сенати аъзолари, ижро ҳамда суд ҳокимияти органлари, фуқаролик жамияти институтлари, ҳуқуқшунос олимлар жамоатчилиги, таълим муассасалари, оммавий ахборот воситалари, шунингдек, халқаро ташкилотлар, дипломатик корпус вакиллари қатнашди.

Қайд этилганидек, мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг кўламли ижтимоий-иқтисодий ислоҳотлар туфайли инсон ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатлари устуворлигидан келиб чиқадиган, халқаро принцип ҳамда нормаларга асосланган ҳуқуқий пойдевор яратилди. Натижада инсоннинг шахсий, сиёсий, иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқларига доир мустаҳкам қонунчилик тизими шакллантирилди. Муҳими, уларга риоя қилиниши юзасидан мониторинг ҳамда парламент эшитувлари ўтказилаётгани, мавзу бўйича семинарлар ва конференциялар уюштирилаётгани инсон ҳуқуқ ҳамда эркинликларини таъминлаш борасидаги фаолият самарадорлигини янада оширишга хизмат қилмоқда.

Шунингдек, инсон ҳуқуқларини муҳофаза этишнинг миллий механизми ишлаб чиқилди. Мазкур механизм ижтимоий шериклик асосида давлат органлари ва фуқаролик жамияти институтлари фаолиятини қамраб олаётгани билан эътиборлидир. Бу борада, албатта, инсон ҳуқуқлари бўйича миллий институтлар алоҳида ўрин тутади. Бугун улар давлат органлари, нодавлат нотижорат ташкилотлари ҳамда халқаро ташкилотлар билан мунтазам ҳамкорлик қилиб, инсон ҳуқуқларини таъминлашга муносиб ҳисса қўшаяпти.

Халқаро экспертлар суд-ҳуқуқ тизимини ислоҳ қилиш ва одил судлов соҳасида инсон ҳуқуқ ҳамда манфаатларини муҳофазалаш кафолатларини мустаҳкамлаш Ўзбекистонда олиб борилаётган демократик ислоҳотларнинг муҳим йўналишларидан бири эканига алоҳида эътибор қаратишди. Хусусан, мустақилликнинг илк йилларидаёқ Конституциямиз талаблари асосида суд ҳокимияти мустақиллигини таъминлаш ҳамда уни фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя эта оладиган мустақил давлат институтига айлантиришга қаратилган изчил ислоҳотлар амалга ошириб келинмоқда. Натижада ўтган давр мобайнида жиноят-процессуал, фуқаролик-процессуал қонунчилиги жиддий ислоҳ қилиниб, суд тизими ижро этувчи ҳокимият органлари таъсиридан чиқарилди.

Тадбир иштирокчилари таъкидлаганидек, БМТнинг инсон ҳуқуқлари бўйича таълим соҳасидаги ўн йиллик декларацияси доирасида Ўзбекистонда инсон ҳуқуқлари соҳасида узлуксиз таълим тизими яратилган бўлиб, ҳозирги пайтда у юқори самара бераётир. Қатор олий таълим муассасаларида инсон ҳуқуқлари бўйича махсус кафедралар ташкил қилинган бўлса, таълим муассасаларида "Инсон ҳуқуқлари" ҳамда Ўзбекистон Республикасининг Конституциясини ўрганиш бўйича ўқув курслари мавжуд.

(Давоми 2-бетда).

ОЛИЙ МАЖЛИС СЕНАТИНИНГ ТЎРТИНЧИ ЯЛПИ МАЖЛИСИ ОЛДИДАН

*Мамлакатимиз иқтисодиётининг муҳим тармоғи ҳисобланган қишлоқ хўжалигида изчил ислоҳотларнинг амалга оширилиши аҳоли турмуш фаровонлигини тобора юксалтириш, истеъмол бозорини сифатли озиқ-овқат маҳсулотлари билан узлуксиз таъминлаш имконини бермоқда.*

# Ветеринария қонунчилиги такомиллашуви — давр талаби

Бунда истиқлолнинг илк кунлариданоқ томорқа учун ер майдонлари ажратиш, деҳқон ва фермер хўжаликларини ривожлантириш, гўшт, сут, тухум ҳамда бошқа зарур қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари таъминотини яхшилаш учун кенг имкониятлар яратилгани, ветеринария хизмати давр талабларига мувофиқ ташкил қилингани муҳим аҳамият касб этаётир.

Ана шундай самарали чора-тадбирлар туфайли сўнгги беш йилда қўй-эчкилар 120 фоиз, қорамоллар 121 фоиз, парранда 150 фоиз кўпайди. Натижада гўшт ишлаб чиқариш ҳажми 130, сут 138 ва тухум етиштириш 162 фоиз ўсди.

Бугунги кунда ветеринария тизими ходимлари юртимиз ҳудудига ҳайвонлар орасида учрайдиган ўта хавфли юқумли касалликлар кириб келишининг олдини олиш, гўшт, сут, тухум ҳамда бошқа қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг хавфсизлигини таъминлаш, чорва молларни юқумли касалликларга қарши ўз вақтида профилактик эмлаш каби муҳим вазифаларни бажариб келаяпти. Бу эса мамлакатда барқарор эпизоотик вазият сақланишини таъминлаётир.

Туман ва шаҳар давлат ветеринария бўлимлари қошида замонавий ветеринария шифохоналарини очиш ишлари жадал олиб борилмоқда. Хусусан, Бухоро, Самарқанд, Фарғона ва Хоразм вилоятларида ветеринария шифохоналари фойдаланишга топширилган.

Албатта, глобаллашув жараёни жадаллашган айни пайтда озиқ-овқат хавфсизлиги масалалари долзарблик касб этиб борар экан, бу соҳага оид қонунчиликни ҳам такомиллаштириш зарурати юзага келаяпти. Бинобарин, дунёнинг турли минтақаларида ҳайвонлар хасталиклари, жумладан, инсонлар учун ҳам хатарли бўлган юқумли касалликлар турлари кўпайган, уларнинг тарқалиш хавфи ортган бир шароитда юртимиз аҳолисини бундай хавф-хатарлардан ҳимоя қилиш, эл дастурхонига сифатли озиқ-овқат маҳсулотларини етказиш асосий масалалардан бири ҳисобланади.

Сенатнинг навбатдаги ялпи мажлиси кун тартибига киритилган янги таҳрирдаги "Ветеринария тўғрисида"ги Қонун ҳам ушбу йўналишдаги ишлар самарадорлигини оширишга қаратилгани билан аҳамиятлидир. Қонун моҳиятига кўра, мамлакатимизда аҳолининг ҳаёти ва саломатлиги муҳофазасини кафолатлашга, ҳайвонлар ўртасида юқумли касалликлар пайдо бўлишининг, тарқалишининг олдини олишга хизмат қилади.

(Давоми 2-бетда).

Хорижий экспертлар:

# «МАҲАЛЛА — ЎЗБЕКИСТОНДА КУЧЛИ ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИНИ БАРПО ЭТИШНИНГ МУҲИМ АСОСЛАРИДАН БИРИДИР»

*Маҳалла институтининг мамлакатимизда фуқаролик жамиятини ривожлантиришдаги ўрни ва аҳамияти мавзуига бағишланган тадбирларда иштирок этиш мақсадида яқинда қатор жамоат ҳамда давлат ташкилотлари вакилларидан иборат Ўзбекистон Республикаси делегацияси Корея Республикаси ва Хитой Халқ Республикасига ташриф буюрди.*

ЭЪТИРОФ

Сеул, Пекин ҳамда Шанхайда Ўзбекистоннинг кучли фуқаролик жамиятини шакллантириш соҳасидаги тажрибасига доир давра суҳбатлари ва учрашувлар ўтказилди. Тадбирларда Корея Республикаси Миллий ассамблеяси, Ханянг университети ҳузуридаги Осиё-Тинч океани тадқиқотлари маркази, Корея халқаро муносабатлар бўйича кенгаши, Хитой ижтимоий фанлар академияси, ХХР Давлат кенгаши ҳузуридаги Ижтимоий тараққиёт институти, Шанхай ижтимоий фанлар академияси, шунингдек, Жанубий Корея ҳамда Хитойнинг бошқа тадқиқот ва таълим муассасалари экспертлари қатнашди.

"Ўзбекистонда маҳалла институти: тарихий тажриба ва замонавийлик" ҳужжатли фильми ҳамда "Кучли давлатдан — кучли фуқаролик жамияти сари. Маҳалла: тарихий тажриба ва замонавийлик" китобининг тақдимоти анжуман иштирокчиларининг ушбу бекиёс институт фаолияти билан яқиндан танишишларига имкон берди. Мамлакатимизнинг баркамол авлодни тарбиялаш соҳасидаги ютуқларига бағишланган ҳужжатли фильмлар ҳам тўпланганларда алоҳида таассурот уйғотди.

Тадбирлар чоғида қайд этилганидек, мустақиллик йилларида Ўзбекистонда ҳуқуқий демократик давлат қуриш ҳамда кучли фуқаролик жамиятини шакллантиришга қаратилган кенг кўламли ислоҳотлар амалга оширилмоқда. Мазкур жараёнда маҳалла институтини изчил ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилаётир. Ушбу муассаса жамиятда юксак маънавий-ахлоқий қадриятларнинг мустаҳкамланиши, ёш авлод тарбияси, оила институтини қўллаб-қувватлаш, аҳолини манзилли ижтимоий ҳимоя қилиш, ўзаро ҳурмат ва ҳамжиҳатлик муҳитини таъминлашда муҳим ўрин тутмоқда.

Хорижий шериклар маҳалла фаолиятига катта қизиқиш билдирганлари ҳолда, Ўзбекистонда ҳаётга татбиқ этилаётган ислоҳотларнинг юқори самарадорлигини, фуқаролар йиғинларининг миллий қадриятларни мустаҳкамлаш, тинчлик-осойишталикни сақлашдаги аҳамиятини алоҳида таъкидладилар. Маҳалла фуқароларнинг демократик ислоҳотларни амалга ошириш, аҳоли фаровонлигини юксалтириш, уларни долзарб масалаларни ҳал қилиш йўлида жипслаштиришда катта аҳамият касб этиши ҳам айтиб ўтилди.

Давра суҳбати ҳамда учрашувлар иштирокчиларининг якдил фикрича, маҳалла халқнинг кўп асрлик урф-одат ва анъаналарини бугунги кун воқелиги билан уйғунлаштиради. Бу, ўз навбатида, болаларни тарбиялаш, оилада ўзаро англашув, катталарга нисбатан ҳурмат муҳитини шакллантириш, жамият ҳамда давлатни ҳар томонлама ривожлантиришда салмоқли муваффақиятларга эришиш имконини яратмоқда.

(Давоми 2-бетда).

БИР РАҚАМ ШАРҲИ

Шу йилнинг январь — сентябрь ойлари давомида мамлакатимиздаги йирик саноат корхоналарида

**2,1** **мингдан зиёд маънан ва жисмонан эскирган ускуналар замонавийларига алмаштирилди.**

*Ишлаб чиқаришни модернизациялаш доирасида амалга оширилган бундай кенг кўламли ишлар технологик жараёнларни такомиллаштириш, хом ашё ҳамда материаллар сарфлаш нормаларини оқилона ташкил этиш, йўқотиш ва ноишлаб чиқариш харажатларини бартараф қилиш имконини берди.*



# Достонбек — Осиёнинг энг яхши ёш футболчиси

*Ҳиндистоннинг Нью-Дели шаҳрида Осиё футбол конфедерациясининг жорий мавсум якунларига бағишланган маросими бўлиб ўтди. Унда бир қатор номинациялар бўйича спортчилар тақдирланди.*

ФАХР



Эътиборлиси, Ўзбекистон ёшлар терма жамоаси (U-20) ҳамда Тошкентнинг "Бунёдкор" клуби аъзоси Достонбек Ҳамдамов "Йилнинг энг яхши ёш футболчиси" дея эътироф этилди. Бу мамлакатимизда Президентимиз раҳнамолигида спорт, хусусан, футболни янада ривожлантириш, унинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, Ватанимиз шарафини халқаро мусобақаларда муносиб ҳимоя қилишга қодир истеъдодли ёшларни тарбиялашга қаратилаётган юксак эътибор ёрқин самаралар бераётганининг яна бир ифодасидир.

Маълумот ўрнида айтиб ўтиш жоиз, ушбу йўналишда совринга даъвогарлик қилган учта асосий футболчининг барчаси Ўзбекистон вакиллари эди. Яъни Достонбек Ҳамдамовдан ташқари, Элдор Шомуродов ва Забиҳилло Ўринбоев ҳам мазкур совринга даъвогар бўлганди.

Тадбирда, шунингдек, "Осиё олмоси", "Осиё орзуси", "Энг яхши футбол федерацияси", "Энг яхши ривожланаётган футбол федерацияси", "Йилнинг энг яхши эркаклар терма жамоаси", "Йилнинг энг яхши аёллар терма жамоаси", "Йилнинг энг яхши мураббийи" каби қатор номинацияларда ғолиблар аниқланиб, тақдирланди.

Фазлиддин **АБИЛОВ.**

# Инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш — устувор мақсад

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Ўзбекистонда инсон ҳуқуқ ва эркинликлари соҳасига доир кенг ахборот-маърифий фаолият йўлга қўйилгани халқаро экспертлар диққат-эътиборида бўлди. Масалан, инсон ҳуқуқлари бўйича 120 дан ортиқ асосий халқаро-ҳуқуқий ҳужжатлар ўзбек тилига таржима қилиниб, чоп этилди. Мамлакатда ҳуқуқни ҳимоя қилиш мавзуси билан боғлиқ 30 га яқин газета ҳамда журналлар мунтазам нашр этилмоқда.

Конференцияда Конституциямизда нодавлат нотижорат ташкилотларига кенг ўрин берилгани ва уларнинг эркин фаолият кўрсатиши кафолатлангани хусусида ҳам батафсил сўз юритилди. Шунга кўра, Ўзбекистонда замонавий демократик нормаларга ҳамда халқаро стандартларга жавоб берадиган, нодавлат нотижорат ташкилотлари эркин ривожланиши кафолатини таъминлайдиган қонунчилик, норматив-ҳуқуқий база яратилди.

Ўтган даврда давлат билан фуқаролик жамияти институтлари ҳамкорлигини тартибга соладиган 10 дан зиёд қонун ҳужжатлари қабул қилинди. Улар орасида "Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги тўғрисида"ги ҳамда "Ижтимоий шериклик тўғрисида"ги қонунлар муҳим ўрин тутади. Чет эллик экспертларнинг фикрича, одамлар онгида демократик қадриятларни мустаҳкам қарор топтириш ва уларнинг сиёсий ҳамда фуқаролик фаоллигини оширишда, шунингдек, мамлакатда юз бераётган демократик ўзгаришлар кўламини янада кенгайтириш ҳамда чуқурлаштиришда мазкур ҳужжатларнинг аҳамияти беқиёсдир.

Шу билан бир қаторда, кейинги даврда қабул қилинган ҳуқуқий ҳужжатлар асосида ННТнинг аҳолига ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш, фуқаролар сиёсий ва ҳуқуқий онги ҳамда ҳуқуқий маданияти даражасини ошириш, ёшлар ва хотин-қизлар бандлигини таъминлашга кўмаклашиш ҳамда ижтимоий ҳимояга муҳтожларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ва бошқа масалалардаги роли ҳамда аҳамияти ошди. Буни ҳозирги вақтда Ўзбекистонда жамият ҳаётининг турли соҳаларида 8200 дан ортиқ ННТ самарали фаолият кўрсатаётгани мисолида ҳам яққол кўриш мумкин.

Халқаро конференцияда қатнашган хорижлик экспертлар қонунчилик, ижроия ва суд ҳокимияти органлари фаолиятини демократлаштириш билан боғлиқ ислоҳотларни юқори баҳолади. Айни чоғда улар давлат ҳамда фуқаролик жамияти институтлари ўртасидаги ижтимоий шерикликни ривожлантириш борасида Ўзбекистон сиёсатининг муҳим йўналишларини қўллаб-қувватлади.

Икки кунлик халқаро конференция доирасида кўрилган масалалар юзасидан таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилди.

## СЎЗ — ХАЛҚАРО КОНФЕРЕНЦИЯ ИШТИРОКЧИЛАРИГА

**Симона Граната МЕНГИНИ, Европа Кенгашининг Венеция комиссияси котиби ўринбосари:**

— Ўзбекистон қисқа вақт мобайнида жамиятни демократлаштириш ҳамда қонун устуворлигини таъминлаш, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоялаш борасида юқори натижаларга эришди. Парламентнинг ҳуқуқий мақомини юксалтиришга қаратилган ислоҳотлар унинг жамиятдаги ўрни ва роли кучайишига, қабул қилинаётган қонунларнинг сифати ошишига, ижро этувчи ҳокимият органлари устидан парламент назорати бўйича ваколатлардан фаол фойдаланишга олиб келгани, айниқса, эътирофга лойиқ. Зеро, буларнинг барчаси инсон ҳуқуқ ҳамда эркинликларини ишончли муҳофаза қилиш имконини бермоқда. Тадбирда шулар ва бу борадаги халқаро тажриба билан яқиндан танишдик. Албатта, бу ҳар бир иштирокчи учун манфаатли бўлди.

**Жеймс ГАМИЛЬТОН, Европа Кенгашининг Венеция комиссияси эксперти, Прокурорлар халқаро ассоциацияси собиқ президенти:**

— Ўзбекистонда инсон ҳуқуқлари, эркинликлари ҳамда қонуний манфаатларини суд орқали ҳимоя этиш кафолатларини янада кучайтириш, ундан фойдаланиш имкониятини кенгайтириш, судьялар фаолияти самарадорлиги ва ҳуқуқий мақомини оширишга қаратилган муҳим чора-тадбирлар ҳаётга изчил татбиқ қилинаётганидан яхши хабардормиз. Суднинг жиноий иш қўзғаш ҳамда айблов хулосасини эълон қилиш ваколатлари жиноий-процессуал қонунчиликдан чиқарилиши, судгача ишни кўриб чиқиш босқичида тергов устидан суд назорати кучайтирилиши ҳам диққатга сазовор. Шунга мос равишда судьялар ва суд ходимларининг ижтимоий ҳимояси кучайтирилгани ўрганишга лойиқ амалиётдир.

**Томас ПАТЕРСОН, Инсон ҳуқуқлари соҳасида таълим масалалари бўйича эксперт (Буюк Британия):**

— Бундан икки йилча муқаддам Ўзбекистонда бир муддат яшаганман. Шу боис бу ерда амалга оширилаётган ислоҳотлар ҳамда янгиланишларни доимо катта қизиқиш билан кузатиб бораман. Кейинги даврда кўплаб мамлакатларда инсон ҳуқуқ ва манфаатлари бўйича миллий институтлар фаолиятини самарали йўлга қўйиш бўйича муайян ишлар олиб борилмоқда. Бу жараён мамлакатингизда жадал давом эттирилаётгани таҳсинга лойиқ. Яъни миллий институтлар аҳолининг сиёсий ҳамда фуқаролик позициясини шакллантиришда фаол қатнашаяпти. Бунга халқаро конференцияда баён этилган маълумотлар асосида тўла ишонч ҳосил қилдим. Айниқса, инсон ҳуқуқлари бўйича миллий институтларни ривожлантириш, уларнинг давлат органлари билан ўзаро ҳамкорлигини кучайтириш юзасидан амалга оширилган ишлар менда катта таассурот қолдирди. Мазкур тажрибани ўрганиш ривожланган давлатлар учун ҳам фойдадан холи эмас.

**Брюс Алам АДАМСОН, Шотландиянинг инсон ҳуқуқлари бўйича комиссияси маслаҳатчиси:**

— Юртингизда олиб борилаётган ижтимоий-иқтисодий ислоҳотлар пировардида инсон ҳуқуқ ҳамда манфаатларини таъминлаш, ҳар бир фуқаронинг эркин ишлаши ва яшаши учун муносиб шарт-шароит ҳамда қулайликлар яратишга қаратилгани билан аҳамиятлидир. Мамлакатнинг қисқа тарихи давомида 16 та кодекс ва 700 дан ортиқ қонун ҳужжатлари ишлаб чиқилгани ҳамда парламент томонидан инсон ҳуқуқлари бўйича 70 дан зиёд халқаро шартномалар ратификация қилингани бунинг яққол далили бўла олади.

Қисқача айтганда, мамлакатингизда инсоннинг шахсий, сиёсий, иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқларига доир мустаҳкам қонунчилик тизими яратилди. Эътиборлиси, халқаро конвенцияларга риоя қилиниши юзасидан парламент назорати йўлга қўйилган. Бу инсон ҳуқуқ ҳамда эркинликларини таъминлашда муҳим роль ўйнамоқда. Халқаро конференцияда шу ва бошқа янгиликлар ҳақида атрофлича маълумот олдик.

**Танг ЙИНГКСИА, Инсон ҳуқуқларини ўрганиш бўйича Хитой кенгаши аъзоси, Нанкай университети юридик факультетининг халқаро ҳуқуқ кафедраси доценти:**

— Президент Ислом Каримов томонидан тақдим этилган Мамлакатда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясида илгари сурилган қонунчилик ташаббуслари ҳамда уларнинг аҳамияти ҳақида етарлича бохабарман. Ушбу халқаро конференцияга келишдан олдин "Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги тўғрисида"ги, "Ижтимоий шериклик тўғрисида"ги қонунлар мазмун-моҳияти билан атрофлича танишдим. Бу қонунлар фуқаролар онгида демократик қадриятларни мустаҳкамлаш ҳамда уларнинг сиёсий ва фуқаролик фаоллигини оширишда айни муддаодир. Шу маънода, ўтказилган икки кунлик халқаро конференция иштирокчилар учун тажриба мактаби вазифасини ўтади, десак, айни ҳақиқатни айтган бўламиз.

**Зокир ХУДОЙШУКУРОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

Хорижий экспертлар:

# «МАҲАЛЛА — ЎЗБЕКИСТОНДА КУЧЛИ ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИНИ БАРПО ЭТИШНИНГ МУҲИМ АСОСЛАРИДАН БИРИДИР»

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Жанубий Корея ва Хитойнинг таниқли давлат арбоблари ҳамда экспертлари Ўзбекистонда мазкур йўналишда қўлга киритилган ютуқларга юксак баҳо бердилар.

**На Кюнг Вон, Корея Республикаси Миллий ассамблеясининг Халқаро муносабатлар ва бирлашув масалалари бўйича қўмитаси раиси, "Ўзбекистон — Жанубий Корея" парламентлараро жамияти раиси:**

— Президент Ислом Каримовнинг Корея Республикасига бу йил амалга оширган давлат ташрифи икки томонлама муносабатлар тарихида муҳим воқеа бўлди. Биз стратегик шерикликни янада мустаҳкамлаб, уни янги мазмун билан бойитдик. Бу борада нафақат парламентлараро алоқалар, балки экспертлар мулоқоти, фуқаролар ўртасидаги ўзаро муносабатлар ҳам муҳим ўрин тутади.

**Ли Же Ёнг, Жанубий Корея халқаро иқтисодий сиёсат институти вице-президенти:**

— Маҳалла Ўзбекистон заминида — дунёга буюк олимларни тақдим этган ўлкада пайдо бўлгани ҳаммамизга маълум. Мамлакатингиз халқи ушбу ниҳоятда муҳим ижтимоий ютуқни сақлаб қолгани қувонарлидир.

Маҳалланинг жамиятда маънавий-ахлоқий қадриятлар ҳамда соғлом ҳаёт тарзини тарғиб қилиш, жойларда таълим, аҳоли бандлиги, атроф-муҳит муҳофазаси, ободонлаштириш, жамоат хавфсизлиги ва ҳуқуқ-тартиботни сақлаш сингари масалаларни ҳал этишдаги аҳамияти беқиёсдир. Маҳалла — Ўзбекистонда кучли фуқаролик жамиятини барпо этишнинг муҳим асосларидан биридир. У фуқароларнинг давлат бошқарувида, мамлакат ижтимоий-иқтисодий тараққиётининг энг муҳим вазифаларини ҳал қилишда бевосита иштирок этишга доир конституциявий ҳуқуқини таъминлайди.

**Корея Республикаси миллий дипломатик академияси профессори Ко Жэ Нам** Ўзбекистонга бир неча маротаба сафар уюштирганини, ҳар гал бу ерда иқтисодиётнинг жадал ўсиш суръатларига гувоҳ бўлиб, халқимиз маданияти, ижтимоий, маданий ҳамда маънавий ҳаёти билан яқиндан танишганини айтиб ўтди.

— Самарқанд вилоятига борган чоғимда, фуқаролар йиғинларининг ҳудудларни ободонлаштириш, аҳоли фаровонлигини юксалтиришда фаол қатнашишига гувоҳ бўлдим. Маҳалла халқни жипслаштирувчи институтдир. Президент Ислом Каримов ўз стратегияси билан фуқаролар энергияси ва фаоллигини, маҳалланинг салоҳиятини ислоҳотларни амалга ошириш йўлида сафарбар этди, — дея таъкидлади Жанубий кореялик олим.

**Ханянг университетининг Глобал ижтимоий иқтисодиётни ўрганиш бошқармаси бошлиғи Ким Жонг Гуль** Корея Республикасида маҳалла ҳамда унинг ижтимоий-иқтисодий соҳадаги фаолияти тажрибаси катта қизиқиш уйғотаётганини маълум қилди. Унинг сўзларига қараганда, ўзини ўзи бошқариш органлари фуқароларнинг турли ташаббуслари ҳаётга татбиқ этилишига кўмаклашиш баробарида, аҳоли фаровонлигини таъминлашнинг оптимал механизми ҳам ҳисбланади.

**ХХР Давлат кенгаши ҳузуридаги Европа ва Осиё ижтимоий тараққиёти институти директори Ли Фэнлинь** маҳаллага "Миллий анъаналарни асраб-авайлаш, давлат ҳамда жамият бошқарувининг самарадор тузилмасини йўлга қўйишнинг намунаси", дея тавсиф берди. Унинг фикрича, қадимий ва ривожланган маданий анъаналарга эга Ўзбекистон маҳалла институти имкониятларидан ижтимоий жараёнларда фуқаролар иштирокининг замонавий усуллари ҳамда механизмларини шакллантиришда муваффақиятли фойдаланмоқда.

**Хитой ижтимоий фанлар академиясининг Халқаро ҳамкорлик бошқармаси директори ўринбосари Ван Сюаньцзин** қайд этганидек, 24 йиллик тараққиёт даврида мамлакатимиз Президент Ислом Каримов раҳнамолигида иқтисодиёт, сиёсат, дипломатия соҳаларида улкан ютуқларга эришди. Чуқур ўйланган ва пухта амалга оширилаётган стратегия жамиятда узоқ муддатли барқарорлик ҳамда иқтисодиётнинг юқори ўсиш суръатларини таъминлаш имконини берди.

— Ўзбекистон дунёнинг энг жадал ривожланаётган давлатларидан биридир. Тизимли, изчил ва босқичма-босқич ислоҳотларнинг бекаму кўст модели эришилган муваффақиятларнинг асоси бўлиб, унда маҳалла алоҳида ўрин эгаллайди. Маҳалла ижтимоий барқарорлик ҳамда муваффақиятли давлат қурилишининг муҳим омилларидан бирига айланди, — деб ҳисоблайди эксперт.

**Хитой ижтимоий фанлар академиясининг Шарқий Европа ва Марказий Осиё институти директори Ли Юнцюань:**

— Ўзбекистон ҳаётнинг барча жабҳасида замон талабларига жавоб берадиган инновацион йўлдан бормоқда. Ижтимоий бошқарув соҳасида мамлакат бугунги кун мезонлари ва шарт-шароитларига мослаштирилган анъанавий институтларга таянаётгани эътиборга моликдир. Бу борада, айниқса, маҳалла институтини алоҳида қайд этиш жоиз.

**Хитой халқаро муносабатлар академияси бош илмий ходими Сюй Тао** мамлакатимизда барча соҳада эришилган ютуқларни юқори баҳолаган ҳолда, маҳалла кўп миллатли Ўзбекистон халқининг донолигини акс эттиришини таъкидлади. Мазкур институт давлатнинг сиёсий тараққиёти ҳамда иқтисодий ўсишни таъминлашда муҳим аҳамиятга эга.

— Умуман, Ўзбекистонда давлат ва жамият қурилишининг самарали модели ҳаётга татбиқ қилинмоқда. Фуқаролик жамиятининг изчил ривожи алоҳида эътиборга моликдир. Республика Марказий Осиёда энг муҳим давлатлардан бири эканлиги билан ажралиб туради, — деди Сюй Тао.

Хулоса ўрнида айтганда, давра суҳбатлари ҳамда учрашувлар Корея Республикаси ва Хитой Халқ Республикаси экспертларининг Ўзбекистонда кучли фуқаролик жамиятини шакллантириш ва унинг муҳим таркибий қисми саналмиш маҳалла институтини ривожлантириш борасида эришилган ютуқларга қизиқиши руҳида бўлиб ўтди.

Тадбирларнинг якуни "The Korea Post" ҳамда "Seoul City" журналлари, "Жэньминь жибао" газетаси ва Жанубий Корея ҳамда Хитойнинг бошқа етакчи нашрларида кенг ёритилди.

**«Жаҳон» АА.**
Сеул — Пекин — Шанхай

## Қисқа сатрларда

● Андижонда Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси ва Германия жамғарма кассалари уюшмаси ҳамкорлигида амалга оширилаётган "Хотин-қизлар ўртасида тадбиркорликни ривожлантириш" лойиҳаси доирасида кичик бизнес ҳамда хусусий тадбиркорликни ривожлантириш истиқболларига бағишланган ўқув семинари бўлиб ўтди. Тадбирда иштирокчиларга бизнес-режа тузиш, молиявий ҳисоб-китоб юритиш, кредит олиш тартиблари каби масалалар юзасидан маълумот берилди.

● **Республика перинатал марказида шифокорларнинг неонатология ва гинекология соҳасида қўлланилаётган янги технологиялар бўйича малакасини ошириш ўқув маркази очилди.**

● Тошкент давлат шарқшунослик институтида "Одам савдоси — ҳудуд, чегара, миллат танламайдиган мудҳиш жиноят" мавзуида маънавий-маърифий тадбир уюштирилди. Унда Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Республика Маънавият тарғибот маркази ҳамда ҳуқуқ-тартибот идоралари мутахассислари мазкур глобал муаммонинг оқибатлари ҳақида талабаларга тушунча бердилар.

● **Термизда Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 23 йиллиги олдидан "Ватан ҳимояси — муқаддас бурч" мавзуида учрашув ўтказилди. Тадбир якунида "Ёш чегарачилар" ҳарбий-ватанпарварлик мусобақасининг мамлакат босқичи ғолибларига фахрий ёрлиқлар топширилди.**

«Халқ сўзи» мухбирлари хабарлари асосида тайёрланди.

# Ёшларнинг касбий маҳорати

## рақобатдош маҳсулотлар ишлаб чиқаришда муҳим ўрин тутаяпти

*Бугунги кунда кичик бизнес субъектлари ички бозорни импорт ўрнини босувчи рақобатдош маҳсулотлар билан тўлдириш баробарида, аҳоли бандлигини таъминлашга ҳам муносиб ҳисса қўшмоқда. Қўқон шаҳрида икки йил аввал иш бошлаган "Барака файз импекс текстиль" масъулияти чекланган жамиятининг фаолияти бунга ёрқин мисол бўла олади.*

КИЧИК БИЗНЕС



Гап шундаки, мазкур муддат ичида у республикамизнинг энг илғор саноат корхоналаридан бирига айланди. Масалан, бу ерда дастлабки йили харидорларга 62 миллион 507 минг сўмлик тўқимачилик маҳсулотлари сотилган бўлса, жорий йилнинг тўққиз ойида ушбу кўрсаткич бир миллиард 426 миллион 426 минг сўмликка етди.

— Корхонамиз Фарғона вилояти саноат салоҳиятини ошириш дастури доирасида ташкил этилган эди, — дейди бош муҳандис Неъматжон Ҳамидов. — Мазкур дастурга мувофиқ, "Қўқон спирт" акциядорлик жамияти томонидан бир ярим миллиард сўмлик инвестиция киритилгач, собиқ кимё заводига тегишли бинода қурилиш ва таъмирлаш ишларини амалга оширдик. Шу билан бирга, хориждан замонавий дастгоҳлар харид қилинди. Натижада 120 кишининг бандлиги таъминланган бўлса, ўтган йили муассасамиз томонидан ажратилган икки ярим миллиард сўмлик сармоя эвазига цехларимизни тўрттага етказиб, яна шунча кишини ишга жалб этдик.

Корхона биносининг иккинчи қаватида бичув-тикув цехлари жойлашган. Чеварлар томонидан тайёрланаётган маҳсулотлар ўзининг хилма-хиллиги ва бежиримлиги билан алоҳида ажралиб туради. Тикув цехи бошлиғи Нилуфар Лутфиеванинг айтишича, қўлигул чевар қизларнинг аксарияти Қўқон шаҳри, Ўзбекистон, Учкўприк ва Фурқат туманларидаги касб-ҳунар коллежларини битирган ёш мутахассислардир.

— Қўқон енгил саноат касб-ҳунар коллежини тугаллагач, Заҳро Махситалиева, Гуландон Абдураимова, Ҳафиза Турғунова каби дугоналарим қаторида шу ерга ишга қабул қилиндим, — дейди Осуда Абдумаликова. — Корхона раҳбарияти томонидан яратилган шарт-шароит, айниқса, устозларнинг амалий кўмаги туфайли маҳоратимизни кун сайин ошириб бораяпмиз.

— Бандликни таъминлаш дастурига кўра, — дейди жамият раҳбари Рустамжон Мамараимов, — айни кунларда банкнинг 9 миллиард 600 миллион сўм миқдоридаги кредити эвазига корхона биносининг учинчи қаватида ҳам тикувчилик цехини барпо этиш ҳаракатидамиз. Корхонамизнинг бу қадар жадал ривожланишида, албатта, юртимизда тадбиркорлар учун яратиб берилаётган қулай ишбилармонлик муҳити, ҳар бир ишчи-мутахассиснинг сидқидилдан меҳнат қилиши қўл келаётир.

Айни пайтда Қўқон шаҳрида саноатнинг барча тармоғи жадал ривожланиб, ҳудуд иқтисодиётида барқарор ўсиш суръатларига эришилмоқда. Жорий йилнинг тўққиз ойида саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми 379,4 миллиард сўмни ёки 112,5 фоизни ташкил этгани, саноат салоҳиятини ошириш дастури доирасида 44 та лойиҳа амалга оширилиши эвазига 792 та иш ўрни яратилгани ана шундан далолат беради.

**Маъмур МУСУЛМОНОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**
Муаллиф олган сурат.

# Ветеринария қонунчилиги такомиллашуви — давр талаби

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Ветеринария хизмати сифатини ошириш, республика ҳудудининг ветеринария жиҳатдан осойишталигини, давлат ветеринария хизмати назорати остидаги товарларнинг ветеринария, ветеринария-санитария хавфсизлигини таъминлашга қаратилган фаолиятни янада такомиллаштириш ҳам янги таҳрирдаги Қонунда кўзда тутилган вазифалардан саналади.

Қонунда Вазирлар Маҳкамасининг, маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг, Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Давлат ветеринария бош бошқармасининг ветеринария соҳасидаги ваколатлари аниқ кўрсатилган. Шунингдек, унга кўра, ветеринария тадбирларини ўтказишга фуқаролик жамияти институтлари ҳам жалб этилиши эътиборлидир. Хусусан, давлат ветеринария хизматининг шаффофлигини, тегишли ҳудудда ветеринария соҳасида жамоатчилик назорати амалга оширилишини таъминлаш мақсадида ветеринария тадбирларини ўтказишда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, нодавлат нотижорат ташкилотлари ҳамда фуқароларнинг иштирок этиши назарда тутилган.

Қонунга мувофиқ, тизимда мавжуд бўлган давлат, идоравий ветеринария хизматлари қаторига ишлаб чиқаришдаги ветеринария хизмати тушунчаси киритилмоқда. Бу кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик кенг ривожланаётган ҳозирги кунда чорвачиликни ташкил этиш ҳамда юритиш, ҳайвонларни сақлаш, келиб чиқиши ҳайвонотга мансуб маҳсулот ва хом ашёни, озуқаларни, озуқабоп қўшимчаларни ҳамда ҳайвонларни даволаш учун мўлжалланган ветеринария дори воситаларини ишлаб чиқариш, қайта ишлаш, сақлаш, ташиш ва реализация қилишга ихтисослаштирилган корхоналар, муассасалар, ташкилотлар фаолиятида ветеринария қонунчилигига риоя қилиниши устидан тизимли давлат ветеринария мониторинги олиб борилишини таъминлайди.

Ветеринария соҳасидаги лаборатория текширувларининг давлат ветеринария лабораториялари ҳамда бошқа ветеринария лабораториялари томонидан ўтказилиши, ветеринария лаборатория-ташхис қўйиш ишлари юридик ва жисмоний шахслар томонидан лицензия асосида амалга оширилиши қонун билан белгилаб қўйилиши ветеринария соҳасида лаборатория текширувлари ўтказиш ишларини ҳуқуқий тартибга солади.

Хулоса ўрнида айтганда, мазкур Қонуннинг ҳаётга татбиқ этилиши келгусида ветеринария хизмати ривожланишига, аҳоли ҳамда ҳайвонларни юқумли касалликлардан ҳимоя қилиш тизимининг янада такомиллашишига замин яратади, пировардида мамлакатимизда эпизоотик барқарорлик ва санитария-эпидемиологик осойишталикни сақлаш ишлари янги босқичга кўтарилади.

**Б. ТАЖИЕВ,**
**Олий Мажлис Сенатининг Аграр, сув хўжалиги масалалари ва экология қўмитаси раиси ўринбосари.**

# ФАРОВОНЛИК ВА ТАРАҚҚИЁТ КАФОЛАТИ

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Маълумки, Халқ таълими вазирлиги томонидан Конституциямизни ўрганиш самарадорлигини тизимли ошириб бориш мақсадида ҳар йили 10 ноябрдан 10 декабрга қадар "Конституция — ҳуқуқ ва эркинликларимиз кафолати" шиори остида ҳуқуқий ҳамда маънавий-маърифий тадбирлар ойлиги ўтказилади. Мазкур ўқув йилида ҳам ушбу ойлик доирасида умумтаълим мактабларида ҳуқуқ-тартибот идоралари вакиллари, ҳуқуқшунослар иштирокида "Конституциямиз — бахтимиз қомуси", "Конституция — ҳуқуқ ва бурчларимиз кафолати" мавзуларида учрашувлар, давра суҳбатлари ташкил этилмоқда. Аҳамиятлиси, мазкур ҳуқуқий ҳамда маънавий-маърифий тадбирлар минглаб ўғил-қизларни қамраб олаётир. Ҳудудий малака ошириш институтлари ва давлат педагогика олий ўқув юртларининг тажрибали профессор-ўқитувчилардан иборат тарғибот гуруҳлари бу каби тадбирларни "Кеча ким эдигу бугун ким бўлдик ва келгуси марраларимиз" мавзуси доирасида бутун бир ўқув йили давомида ўтказишга ҳаракат қилаётир. Бундай ташаббус ҳамда интилишлар самарасида навқирон авлод суверен демократик республика — Ўзбекистоннинг мустақил тараққиёт йўли, унинг халқаро майдонда муносиб обрў-эътибор қозониши, ҳуқуқий демократик давлат ва кучли фуқаролик жамияти барпо этиш йўлидаги изчил ислоҳотларга оид тушунча ҳамда тасаввурларини бойитмоқда.

— Ўқувчи-ёшлар Конституциямиз қоида ва тамойилларини билиши ҳамда теран англаб етиши жуда муҳим, — дейди пойтахтимиздаги 118-умумтаълим мактаби ўқитувчиси Ғолиб Жўраев. — Бу биз, ўқитувчи-педагоглардан ҳуқуқий таълим-тарбия беришда янгича ва самарали ёндашувни, ўғил-қизлар онгу шуурига, қалбига эзгу ғояларни сингдиришни талаб этади. Айниқса, ҳозирги тезкор глобаллашув шароитида ёшларимизни турли иллат ҳамда мафкуравий хуружлардан асрашда ҳуқуқий таълим-тарбиянинг аҳамияти катта.

Ғ. Жўраев мактабнинг юқори синф ўқувчиларига давлат ва ҳуқуқ асослари фанидан сабоқ беради. У дарс машғулотларида, жумладан, фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқ ҳамда мажбуриятларини тушунтиришда ҳаётий мисолларга кўп мурожаат қилади. Бу эса ўз натижасини кўрсатмоқда.

— Асосий Қонунимизнинг мазмун-моҳиятини билмаган, ҳуқуқий маданияти шаклланмаган инсон жамиятда ўз ўрнини топа олмаслиги маълум бўлмоқда, — дейди 118-умумтаълим мактабининг 8-синф ўқувчиси Комрон Усмонов. — Мактабимизда ҳафтанинг чоршанба куни "Ҳуқуқий саводхонлик куни" деб эълон қилинган. Шу куни ҳуқуқий мавзуларда, асосан, Конституциямизни ўрганишга бағишланган тадбирлар ўтказилади. Бундан ташқари, "Ёш ҳуқуқшунослар" тўгараги ташкил этилган. Биз, ёшлар яратилган мана шундай имкониятлардан фойдаланиб, пухта билим олишга ҳаракат қилаяпмиз.

Бугун Комрон сингари аниқ мақсадга эга, қатъиятли фарзандларимиз сафи кенглиги кўнглимизда эртанги кунга бўлган ишончни янада мустаҳкамлайди. Узлуксиз таълимнинг бошланғич бўғиниданоқ болаларимизнинг ҳуқуқий саводхонлиги шаклланиб бораётгани, ёшларимизнинг ўз конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларини, оила, жамият ҳамда давлат олдидаги бурч ва мажбуриятларини билиши учун ҳар томонлама кўмаклашилаётгани айни муддаодир.

**Фарида МАҲКАМОВА,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

## ЖАҲОН 24 СОАТ ИЧИДА

*Буюк Британия иқтисодиётининг ўсиши сустлашган, дейилади “Евроньюс” телеканали хабарида.*

## Кутилганидек эмас

Гап шундаки, жорий йилнинг июль — сентябрь ойларида мамлакат ялпи ички маҳсулоти атиги 0,5 фоиз ошган. Ваҳолонки, апрелдан июнгача бўлган даврда бу кўрсаткич 0,7 фоизни ташкил қилган эди.

Мутахассисларнинг айтишича, Буюк Британия маҳсулотларининг асосий харидорлари ҳисобланган Европа давлатларида талабнинг пасайиб кетиши ана шундай ҳолатни келтириб чиқарган. Ўз навбатида, Туманли Альбионнинг ташқи савдо тақчиллиги 13,9 миллиард еврога етган. Чунки импорт ҳажми экспортга нисбатан кескин даражада ошиб кетган. Бундай вазият йил охиригача сақланиб туриши тахмин қилинмоқда.

## Банкротлигини эълон қилди

*Испаниянинг қайта тикланадиган энергия манбалари соҳасида фаолият олиб борувчи “Abengoa” компанияси ўзини банкрот, деб эълон қилди.*



Чунки унинг иқтисодий инқироздан қутулиб қолиш бўйича сўнгги умиди ҳам пучга чиққан. Аниқроғи, энг асосий ҳамкорларидан бири саналган автомобиль эҳтиёт қисмлари ишлаб чиқарувчи “Gestamp” компанияси испан брендининг 28 фоиз акциясини 350 миллион евро эвазига харид қилиш бўйича аввалроқ билдирган таклифини қайтиб олган.

Маъмурий биноси Севилья шаҳрида жойлашган “Abengoa” жами 70 та давлатда ваколатхонасини очган бўлиб, уларда 26 минг киши иш билан таъминланган эди. Бир йил олдин компаниянинг қарзлари 6,5 миллиард евродан ошгани маълум бўлгач, ўтган вақт мобайнида унинг қимматли қоғозлари нархи ҳам 57 фоиз арзонлашиб кетган.

## Текшириб, чора кўрмоқчи

*АҚШнинг “Tesla” компанияси “Model S” русумида дунё бўйича савдога чиқарилган 90 мингта электромобилини қайтариб олишини маълум қилди.*



Бунга транспорт воситалари олди ўриндиқларига ўрнатилган хавфсизлик камарларидаги нуқсон сабаб бўлган. Компания мутасаддиларининг айтишича, камарлар кутилмаганда ечилиб кетиши мумкин. Ушбу камчилик текширилиб, албатта, тегишли чоралар кўрилади.

Шуни ҳам қайд этиш жоизки, “Tesla” жорий йилнинг иккинчи чорагини 359 миллион АҚШ доллари миқдорида зарар билан якунлаган.

## Мавсумга мос қўл соати

*Япониянинг “Casio” компанияси “G-Shock” туркумидаги навбатдаги соатлари коллекциясини омма эътиборига ҳавола қилди.*




Янги русумдаги маҳсулотлар қиш мавсумига мўлжалланган бўлиб, унга ҳарорат, босим, баландликни ўлчаб берадиган датчиклар ҳамда компас ўрнатилган. Қўл соатига 200 метр чуқурликда ҳам сув кирмайди ва анча чидамли. Корпусининг ранги оқ бўлса, тасмаси кўк тусда. Маҳсулот бугундан эътиборан сотувга чиқарилади.

***Хориж матбуоти хабарлари асосида тайёрланди.***

■ ИБРАТ

# «КИЧИК АГРОФИРМА» БАРАКАСИ

*Вобкент туманининг “Шакаркент” маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудидаги Халач қишлоғида яшовчи Илҳом Жаъфаровнинг томорқа хўжалигини кўрган киши завқланиши, шубҳасиз. Ташқарида қиш эшик қоқиб турибди, аммо унинг ерида пишиқчилик. Айниқса, 3,5 сотих майдондаги лимонзорда ҳосил мўл.*

— 2011 йилнинг 1 ноябрида шу ерга “Мейер” навли 60 туп лимон кўчатини ўтқазгандим, — дейди хонадон соҳиби. — Мазкур нав мандарин билан чатиштирилгани боис туси қизил, таъми ҳам у қадар нордон эмас. Қолаверса, бир тупи ўртача 70 — 80 килограмм ва ҳатто, баъзан 100 килограммдан ошириб ҳосил беришини айтмайсизми?! 2012 йилда ўн дона, 2013 йилда 350 — 400 килограмм атрофида лимон олдим. Бултур эса шу лимонарий ҳосили 1,5 тоннани ташкил этди. Бу йилгиси уч тоннадан кам эмас.

Биласиз, лимон — иссиқсевар дарахт. Шу билан бирга, қишда 3 даражагача паст ҳароратга ҳам дош беради. Агар иссиқхонада ҳароратни бир меъёрда сақлай олсангиз, марра сизники. Негаки, лимон йил давомида гуллайди, мева беради. Ҳозир шохлари олтиндай товланган мевасини аранг кўтариб турибди-ю, бир томондан яна гулга кирмоқда.

Илҳом ака табиатан қизиқувчан. Шу боис камхаражат ва оз куч сарфлаган ҳолда, кўп маҳсулот етиштириш йўлларини излади. Топди ҳам. 2013 йилнинг августида томорқасининг уч ярим сотих ерида янги лимонарий барпо этди. Фарқи шундаки, буниси бир ярим метр чуқурликда.

— Ташқарида ҳаво ҳарорати 8 даража паст бўлганида атайин кузатдим, — дейди И. Жаъфаров. — Қўлбола усулда иситилаётган биринчи лимонарийда ҳаво ҳарорати минус уч даража совуқ, бир ярим метр чуқурликдаги лимонарийда эса ҳарорат икки даража иссиқ эди. Бинобарин, табиатнинг ўзи инъом этган қулайликлардан оқилона фойдалансак, мўл, бунинг устига таннархи арзон бўлган ҳосил етиштириш мумкин экан.

Шубҳасиз, лимон парваришини ҳам обитобида олиб бориш керак. Кўчатлар остини юмшатиб туриш, ҳашаротларга қарши курашиш, суғоришни вақтида бажариш ана шулар жумласидан. Ниҳолларни “шарбат” усулида суғориш эса, айниқса, фойдалидир.

Дарвоқе, Жаъфаровлар хонадони аъзолари лимонни январга келиб узишади. Ана шу пайтда ҳосил обдан пишиб етилади. Тайёр мевани узоқ муддат сақлаш учун уч тонналик сиғимга эга кичик совутқичли омбор ҳам барпо қилишган. Бу ерда лимон апрелгача шохидан эндигина узилгандек сақланади.

Мазкур оила фақат лимончилик билан чекланиб қолгани йўқ. Ток, ўрик, анор, шунингдек, атиргул кўчати ҳам етиштиришади. Мўъжазгина боғдан уч тонна узум олишди. Томорқанинг бир саҳнига гилос кўчатлари ўтқазилган. 2,5 сотих ерни эса, қишни истисно этганда, йил бўйи ҳосил берадиган қулупнай эгаллаган. Қисқача айтганда, ушбу хонадон томорқасини кичик агрофирмага ўхшатиш мумкин. Бу ердан оила бюджетига ҳар йили 20 миллион сўмдан зиёд даромад келмоқда. “Иш билганга минг танга”, деганлари шу эмасми?!



— Ҳудудимизда томорқасидан унумли фойдаланиб, бозорни тўкин, турмушини фаровон этаётган оилалар сони тобора кўпайиб бораяпти, — дейди маҳалла фуқаролар йиғини раиси Мансур Холов. — Ҳозир “Шакаркент” МФЙда 200 га яқин иссиқхона бор. Уларда помидор, бодринг, карам, лимон, турли резаворлар етиштирилмоқда. Биз қишда ҳам томорқа хўжалигидан самарали фойдаланиб келаётган бундай хонадонлар тажрибасини оммалаштириш тадбирларини кўраяпмиз.

**Истам ИБРОҲИМОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

## Йирик мажмуа ишга тушди

*Зарафшон шаҳрида Навоий кон-металлургия комбинатига қарашли Марказий кон бошқармаси томонидан қарийб 2 миллиард сўм эвазига паррандачилик мажмуаси бунёд этилди.*

■ ИЗЛАНИШ

— Ушбу тармоқ фойдаланишга топширилиши билан 33 та доимий иш ўрни вужудга келди, — дейди мажмуа раҳбари Ихтиёр Шарипов. — Биз етиштираётган парҳез гўшт маҳсулотлари, асосан, комбинат тизимида меҳнат қилаётган ишчи-ходимларга нисбатан арзон нархларда етказиб берилмоқда.

Навоий вилоятида паррандачилик, чорвачилик, балиқчилик, боғдорчилик каби тармоқларнинг изчил ривожлантирилиши туфайли жорий йилнинг ўтган тўққиз ойида 642 та иш ўрни яратилди.

**Азамат ЗАРИПОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

КОРХОНА ВА ТАШКИЛОТЛАР ДИҚҚАТИГА!

XALQ BANKI

**Акциядорлик тижорат Халқ банки**

**халқаро VISA пластик карточкалари учун ПИН-конвертларни харид қилиш бўйича танлов муддати узайтирилганлигини билдиради.**

**1.** Танлов комиссияси ишчи органи манзили ва телефони: Акциядорлик тижорат Халқ банки, 100000, Тошкент шаҳри, Амир Темур шоҳкўчаси, 3-уй.
Телефонлар: (+99871) 120-17-65, 120-17-48. E-mail: marketing@xb.uz
**2.** Тендер савдоси предмети — «Халқаро VISA пластик карталари учун 10 000 дона ПИН-конверт етказиб бериш».
**3.** Тендер савдолари ўтказилиши шартлари бўйича қўшимча маълумотларни www.xb.uz сайти, шунингдек, душанба — жума кунлари соат 9.00 дан 18.00 га қадар юқорида кўрсатилган манзил ва телефонлар орқали олиш мумкин.
**4.** Тижорат таклифлари (нархлари бўйича алоҳида конвертда, техник талаблари алоҳида конвертда корхона муҳри билан тасдиқланган бўлиши лозим) 2015 йил 10 декабрь куни Тошкент вақти билан соат 18.00 га қадар қабул қилинади.

Хизматлар лицензияланган.

1790A/120

**ТОШКЕНТ КИМЁ-ТЕХНОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ**

**қуйидаги кафедраларнинг профессор-ўқитувчилар лавозимларига шартнома асосида танлов эълон қилади:**

* **Нефть ва газни қайта ишлаш технологияси:** катта ўқитувчи, ассистент.
* **Органик кимё ва оғир органик синтез технологияси:** катта ўқитувчи, ассистент.
* **Целлюлоза ва ёғочсозлик технологияси:** катта ўқитувчи, ассистент.
* **Ноорганик моддалар кимёвий технологияси:** катта ўқитувчи, ассистент.
* **Аналитик, физикавий ва коллоид кимё:** катта ўқитувчи.
* **Умумий ва ноорганик кимё:** катта ўқитувчи.
* **Саноат экологияси:** доцент, катта ўқитувчи, ассистент.
* **Технологик жараён ва қурилмалар:** катта ўқитувчи, ассистент.
* **Озиқ-овқат хавфсизлиги:** профессор.
* **Озиқ-овқат маҳсулотлари технологияси:** катта ўқитувчи, ассистент.
* **Биотехнология:** ассистент.
* **Озиқ-овқат саноати машина жиҳозлари-механика асослари:** катта ўқитувчи, ассистент.
* **Информатика, автоматлаштириш ва бошқарув:** катта ўқитувчи, ассистент.
* **Саноат иқтисодиёти ва менежменти:** катта ўқитувчи, ассистент.
* **Маҳсулот сифати менежменти:** ассистент.
* **Касбий таълим:** доцент, катта ўқитувчи, ассистент.
* **Тиллар:** катта ўқитувчи, ўқитувчи.
* **Ўзбекистон тарихи ва сиёсий фанлар:** ўқитувчи.
* **Физика ва электротехника:** ассистент.
* **Жисмоний тарбия ва спорт:** катта ўқитувчи.

*Номзодлардан ҳужжатлар эълон чоп этилган санадан бошлаб бир ой мобайнида қабул қилинади.*

**Манзил: 100011, Тошкент ш., Навоий к., 32-уй, Кадрлар бўлими. Тел.: (0-371) 244-79-31.**

1724R/811

**«Universal realtor» МЧЖ**

**бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади.**

Аукцион савдосига Тошкент шаҳар Чилонзор тумани СИБ томонидан Тошкент шаҳар хўжалик судининг 2015 йил 26 октябрдаги 10-1506/19450-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, Олмазор мавзеси, 11-«А» уйда жойлашган, умумий майдони 259 кв.м.дан иборат нотуржой биноси қўйилади.

***Бошланғич баҳоси — 352 300 000 сўм.***

Аукцион савдоси 2015 йил 31 декабрь куни соат 10.00 да Тошкент шаҳри, Яшнобод тумани, Истиқбол кўчаси, 15-уйда бўлиб ўтади. Аризалар юқорида кўрсатилган манзилда иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади. Талабгорлардан аризаларни қабул қилиш 2015 йил 30 декабрь куни соат 10.00 да тўхтатилади.

Аукцион савдосида иштирок этиш истагидаги талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закалат пули тўғрисидаги келишувни имзолагандан сўнг объект бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда, «Universal realtor» МЧЖнинг АТ «Капиталбанк» Тошкент шаҳар филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000104975228001, МФО: 00445, СТИР: 302269399.

Кўчмас мулк билан тегишли туман суд ижрочилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин.

**Қўшимча маълумот олиш манзили: 100047, Тошкент шаҳри, Истиқбол кўчаси, 15-уй, «Universal realtor» МЧЖ.
Телефон: (0-371) 150-35-55.
www.realtor.uz E-mail: universal.realtor@mail.ru**

Хизматлар лицензияланган.

1788A/609

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

**Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги**

**ЎРТА МАХСУС, КАСБ-ҲУНАР ТАЪЛИМИ МАРКАЗИ**

2015 йилда академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари учун жиҳозлар харид қилиш ҳамда таълим муассасаларига ўрнатиб бериш мақсадида ўтказилаётган тендер савдоларининг натижаларига кўра, тендер комиссияси томонидан 20-лот бўйича «Art furniture» МЧЖ ҚК ғолиб, деб топилганлигини эълон қилади.

1785R/843

**Барча турдаги юк автомобиллари ва қишлоқ хўжалиги техникалари учун ШИНАЛАР**



Маҳсулотлар сертификатланган, хизматлар лицензияланган.

1585R/740

**Тел.: (+99895) 170-32-52. Факс: (+99871) 250-07-40.**

**«CAPITAL REALTOR GROUP» МЧЖ**

***очиқ аукцион савдоларига таклиф этади.***

«Capital realtor group» МЧЖ Самарқанд филиалида 2015 йил 14 декабрь куни соат 11.00 да объект бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига қуйидаги кўчмас мулклар такроран қўйилмоқда:

**1.** Жомбой тумани СИБ томонидан Самарқанд вилояти хўжалик судининг 2011 йил 29 апрелдаги 14-1101/6242-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Жомбой тумани, «Холвойи» ҚФЙ, Саричашма қишлоғида жойлашган, умумий майдони 1226,06 кв.м., фойдаланиш майдони 1104,26 кв.м. бўлган маъмурий ва гараж бинолари.

***Бошланғич баҳоси — 228 059 100 сўм.***

**2.** Пахтачи тумани СИБ томонидан Самарқанд вилояти хўжалик судининг 2015 йил 15 июндаги 14-1516/12113-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Зиёвуддин шаҳарчаси, Янгиобод маҳалласида жойлашган, умумий майдони 1322,44 кв.м., фойдаланиш майдони 1259,69 кв.м. бўлган маъмурий ва хўжалик бинолари.

***Бошланғич баҳоси — 150 000 000 сўм.***

**3.** Самарқанд тумани СИБ томонидан Самарқанд вилояти хўжалик судининг 2009 йил 26 январдаги 14-09 03/18262 (27,1)-сонли ва 2009 йил 27 июлдаги 14-0809/12206 (4)-сонли ижро варақаларига асосан хатланган, Самарқанд тумани, «Даштақиболо» ҚФЙ, Даштисухта қишлоғида жойлашган, ер майдони 3622 кв.м. бўлган бино-иншоотлар.

***Бошланғич баҳоси — 774 496 320 сўм.***

***Талабгорлар диққатига!***

Ушбу кўчмас мулклар аукцион савдосида сотилмай қолган тақдирда, уларнинг такрорий аукцион савдоси 2015 йил 30 декабрь куни соат 11.00 да ўтказилади.

2015 йил 30 декабрь куни соат 11.00 да бўлиб ўтадиган очиқ аукцион савдосига қуйидаги кўчмас мулклар қўйилмоқда:

**1.** Самарқанд шаҳар СИБ томонидан ФИБ Самарқанд шаҳар судининг 2015 йил 24 июлдаги 25471-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Самарқанд шаҳри, Бўстонсарой кўчаси, 2-уй, 37-хонадонда жойлашган, умумий майдони 81,89 кв.м., фойдаланиш майдони 39,93 кв.м. бўлган уй-жой.

***Бошланғич баҳоси — 94 986 998 сўм.***

**2.** Пастдарғом тумани СИБ томонидан ФИБ Иштихон туманлараро судининг 2015 йил 12 августдаги 2280-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Пастдарғом тумани, «Чортут» МФЙ, Лолазор-2 массиви, 24-уйда жойлашган, қурилиш ости майдони 214,92 кв.м., фойдаланиш майдони 80,06 кв.м. бўлган уй-жой.

***Бошланғич баҳоси — 140 058 292 сўм.***

Юқоридаги кўчмас мулклар билан тегишли туман суд ижрочилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдоларида иштирок этиш истагидаги талабгорлардан аризалар иш кунлари соат 10.00 дан 18.00 гача қабул қилинади ва савдо бошланишига бир кун қолганда тўхтатилади. Аукцион савдосида қатнашиш истагидаги талабгорлар кўчмас мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда, ҳар бир мулк учун алоҳида тартибда савдо ташкилотчиси — «Capital realtor group» МЧЖнинг АТ «Капиталбанк» Мирзо Улуғбек филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000204927571003, МФО: 01018, СТИР: 207126662.

**Манзил: Самарқанд шаҳри, Мирзо Улуғбек кўчаси, 150-уй, 3-қават.
Телефон: (0-366) 234-06-38.**

Хизматлар лицензияланган.

1784R/34

**«CAPITAL REALTOR GROUP» МЧЖ**

***очиқ аукцион савдосига таклиф этади.***

«Capital realtor group» МЧЖ Фарғона филиалида 2015 йил 22 декабрь куни соат 14.00 да бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига қуйидаги кўчмас мулклар арзонлаштирилган нархларда такроран қўйилмоқда:

**1.** Данғара тумани СИБ томонидан ЖИБ Фарғона вилояти судининг 2015 йил 24 апрелдаги 2-17/2015-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Данғара тумани, «Найманча» ҚФЙ, Янги-1 қишлоғи, 125-уйда жойлашган, ер майдони 1734,19 кв.м., қурилиш ости майдони 360,68 кв.м., фойдаланиш майдони 193,70 кв.м. бўлган, 0001-0008-литерлардаги ҳовли.

***Бошланғич баҳоси — 153 735 650 сўм.***

**2.** Қува тумани СИБ томонидан Фарғона вилояти хўжалик судининг 2012 йил 5 июлдаги 15-12-06/21673-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Қува тумани, «Намуна» ҚФЙ, Турк қишлоғида жойлашган, қурилиш ости майдони 2223,01 кв.м., фойдаланиш майдони 212,18 кв.м. бўлган, 0002-0012-литерлардаги 2-трактор гаражи бино-иншоотларининг бир қисми.

***Бошланғич баҳоси — 86 405 512 сўм.***

**3.** Суд департаментининг Фарғона вилояти ҳудудий бошқармаси томонидан ЖИБ Фарғона шаҳар судининг 2014 йил 30 январдаги 1-29/2014-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Фарғона шаҳри, Баҳор кўчасида жойлашган, қурилиш ости майдони 543,46 кв.м., фойдаланиш майдони 464,38 кв.м. бўлган новвойхона ва сомсахона («Чинор» чойхонаси).

***Бошланғич баҳоси — 270 193 678 сўм.***

Аукцион савдосида иштирок этиш истагидаги талабгорлардан аризаларни қабул қилиш 2015 йил 18 декабрь куни соат 17.00 да тўхтатилади. Юқоридаги кўчмас мулклар билан тегишли туман суд ижрочилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдосида қатнашиш истагидаги талабгорлар кўчмас мулк бошланғич баҳосининг 30 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини савдо ташкилотчиси — «Capital realtor group» МЧЖнинг АТ «Капиталбанк» Мирзо Улуғбек филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000204927571003, МФО: 01018, СТИР: 207126662.

**Манзил: Фарғона шаҳри, Бурҳониддин Марғиноний кўчаси, 58-уй, Савдо-саноат палатаси биноси, 1-қават.
Телефонлар: (+99873) 244-60-09, (+99890) 231-38-59.**

Хизматлар лицензияланган.

1783R/34

Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси “O‘zbekiston” телерадиоканали жамоаси “Ахборот” информацион дастурлар бош муҳарририяти катта муҳаррири Наврўз Ризаевга волидаи муҳтарамаси

**МУСАВВАРА аянинг**

вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

**«ХАЛҚ СЎЗИ»га ЭЪЛОНЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.**

9.00 дан 18.00 гача
232-11-15,
236-09-25.
E-mail: reklama@xs.uz

02

# Ранг-баранг услублар, янги ифодалар

*Бугун мамлакатимизда навқирон авлодга алоҳида эътибор қаратилиб, беқиёс ғамхўрликлар кўрсатилмоқда. Уларнинг билим ва маҳоратини ошириш, изланиш ҳамда қизиқишларини рўёбга чиқариш, истиқболли лойиҳаларини рағбатлантиришни кўзда тутувчи чора-тадбирлар ана шу йўналишдаги эзгу саъй-ҳаракатлар ифодасидир. Чунончи, давлатимиз кўмаги билан жорий йилнинг 24 — 29 ноябрь кунлари пойтахтимизда ўтказилган Мода ҳафталиги ҳам дизайнерликни ривожлантириш, соҳага қизиқувчан йигит-қизларни кашф қилиш ва қўллаб-қувватлашга йўналтирилганлиги билан алоҳида аҳамиятлидир.*

## МОДА ҲАФТАЛИГИ

Ёшлар ижод саройи ҳамда Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонасида ташкил этилган Тошкент мода ҳафталигининг асосий йўналиши шарқона анъаналарнинг замонавий талқинига бағишланди. Тадбир доирасида ўзбек дизайнерларининг коллекциялари намойиши ҳам бўлиб ўтди. Стилист, визажист ва ёш дизайнерлар танлови, ўзбекистонлик ҳамда италиялик соҳа вакилларининг муаллифлик намойишлари, “Миллий либос” фестивали, хорижлик мутахассислар иштирокида “Маҳорат дарслари”, гала-fashion шоу каби тадбирларни ўз ичига олган ҳафталик, айтиш керакки, муҳим воқеа бўлиб, унинг мақсади жаҳон мода саноатида халқаро ҳамкорликни йўлга қўйиш ҳамда ривожлантиришдан иборатдир.

Аслида, республика ва халқаро миқёсда ўтказиладиган бу каби тадбирларда “Osiyo ramzi” Ўзбекистон модельерлар ва дизайнерлар уюшмаси томонидан “Ўзбек модаси” бренди тарғиботига алоҳида эътибор қаратиб келинади. Шу маънода, бугунги кунда юртимизда мазкур уюшма тасарруфида дизайнерлар мактаби ҳамда ижодий студиялар шакллантирилган бўлиб, улар бир нечта йўналишда фаолият юритмоқда. Бинобарин, ушбу ҳафталикка ҳам йил мобайнида тайёргарлик кўрилди. Бунда Италия, Франция, Буюк Британия каби давлатларнинг дизайнерлари билан изчил ҳамкорлик йўлга қўйилгани муҳим аҳамият касб этди. Мутахассисларимиз бир неча бор мазкур давлатларга бориб, тажриба оширишган бўлса, ўз навбатида, чет элликлар ҳам мамлакатимизга ташриф буюриб, турли тадбирларда қатнашдилар. Ана шундай пухта ҳозирлик ҳафталикнинг қизғин ўтишини таъминлади, десак, янглишмаймиз.

Жумладан, дастурдан ўрин олган “Миллий либос” фестивали ва ёшларнинг намойишлари ҳамда машҳур дизайнерларимизнинг муаллифлик чиқишлари Мода ҳафталигининг ўзига хослигини алоҳида намоён этди. Дилноза Эркинова, Малика Иргашева, Дилноза Умрзоқова, Нилуфар Абдувалиева, Николай Нам, Елена Милбергер каби иқтидор эгаларининг замонавий ва энг сўнгги жаҳон подиумлари трендларидан илҳомланган муаллифлик тўпламлари мутахассис ҳамда томошабинларда катта таассурот қолдирди. Улар тақдим этган либослар ёрқинлиги ва услубнинг нозиклиги билан ажралиб турди. Шунингдек, стилистлар, визажистлар ҳамда nail-art Республика танлови ҳам уюштирилиб, унда юртимизнинг барча ҳудудидан косметологлар, вейд-дизайнерлар, сартарошлар, салон бизнеси лойиҳалари раҳбарларининг қатнашиши тадбирнинг мазмун-моҳиятини янада бойитди.



Оқил ҒУЛОМОВ (ЎзА) олган сурат.

“Ёш дизайнерлар” танлови ўз иқтидорини намоён этишга чоғланганлар учун кенг имконият бўлди. Хусусан, танловда касб-ҳунар коллежлари ва академик лицейлар ўқувчилари қатнашди. Улар томонидан тайёрланиб, намойишга қўйилган ишларни кузатганда, ёшларнинг ноанъанавий ёндашувга интилиши, ўз қизиқишларини ёркин даражада акс эттирганига гувоҳ бўлдик. Таъкидлаш керакки, ушбу тадбир доирасида иштирокчиларга тўлиқ ижодий эркинлик яратиб берилди. Тақдим қилинган тўпламлар турлича ва ўзига хос. Агар айрим дизайнерлар бутунлай янги матолардан фойдаланиб, шакл ҳамда услубларни топишга эътибор қаратган бўлсалар, баъзилари миллий либослардан илҳомланиб, замонавий кийимлар яратишган. Шу маънода, “Ёш дизайнерлар” дефилеси ўзига хос ва катта қизиқиш уйғотувчи намойишлардан бири бўлиб, у ўқувчи ҳамда талабалар орасидан ушбу соҳага қизиқувчиларни аниқлашда муҳим омилга айланди.

“Миллий либос” фестивали эса республика анъанавий модалар тақдимотига айланиб, мамлакатимизнинг турли бурчакларидан истеъдодли дизайнерларни жамлади. Унда вилоятларнинг турфа шакл, мато ва дизайнерлик ёндашувлари намойиш қилинди. Мода ҳафталиги доирасида олий ўқув юртлари талабалари ҳамда касб-ҳунар коллежлари ва академик лицейлар ўқувчилари учун хорижлик таниқли дизайнерлар, қолаверса, юртимизнинг етакчи мутахассислари миллий ҳамда замонавий либосларни моделлаш ва конструкциялаш, брендинг, услубни танлаш, сартарошлик санъати ҳамда макияж бўйича маҳорат дарслари, семинар-тренинглар ўтказишди.

Ҳафталикка илк бор Италия мода байерлари палатаси президенти Марио Делль Ольо бошчилигидаги мутахассислар гуруҳи ташрифи мамлакатимиз ишлаб чиқарувчилари ва дизайнерлари учун яна бир қатор имкониятларни очиб берди. Зеро, халқаро миқёсда танилиш, чет эллик мутахассисларни жалб қилиш ва ўзбек брендини жаҳон бозорида тарғиб этиш ўзаро ҳамкорликнинг асосий вазифасидир. Худди шунингдек, Италия миллий мода палатасининг президенти Марио Боселли лойиҳамизнинг асосий иштирокчиларидан бири бўлди. Дастур давомида Милан аёллар модаси тўпламлари ҳамда Италия дизайнерларининг муаллифлик ишлари йиғилганларда катта таассурот қолдирди.

Якуний гала-fashion шоуда ўзбекистонлик ва италиялик модельерларнинг асосий намойиши бўлиб ўтди. Унда юртимизнинг дизайн ҳамда мода соҳасидаги ранг-баранг анъаналари ва замонавий изланишлари акс эттирилди. Тадбирлар давомида хорижлик мутахассислар ёшларимиз тайёрлаган либосларни ҳамда дизайнерларимизнинг чиқишларини алоҳида эътироф этишди, улардан ўрганса арзийдиган жиҳатлар кўп эканлигини таъкидлашди. Бу эса эртамиз эгалари барча соҳада ҳеч кимдан кам эмасликларини исботловчи яна бир далилдир.

Умуман олганда, ҳафталик, чин маънода, байрамга айланди. Шу боис у иштирокчилар ва томошабинлар ёдида узоқ вақт сақланиб қолади, деган умиддамиз. Муҳими, ушбу лойиҳа маҳаллий ҳамда хорижлик мутахассисларнинг ўзаро тажриба алмашиши, соҳани янада ривожлантириш, жаҳон бозорида муносиб ўрин эгаллашимизда муҳим восита бўлиб хизмат қилиши шубҳасиздир.

**Холида КОМИЛОВА,**
**«Osiyo ramzi» Ўзбекистон модельерлар ва дизайнерлар уюшмаси бошқаруви раиси.**

## 1 ДЕКАБРЬ — ХАЛҚАРО ОИТСГА ҚАРШИ КУРАШ КУНИ

*Бугунги глобаллашув даврида ОИВ/ОИТС хасталиги дунё ҳамжамияти олдида турган энг долзарб муаммолардан бири бўлиб, мутахассисларнинг фикрича, айни пайтда мазкур касалликка чалинганлар сайёрамизнинг барча минтақасида учрайди. Шу боис мамлакатимизда унга қарши самарали курашиш, хасталикнинг олдини олиш ҳамда беморларга тиббий хизмат кўрсатиш бўйича муайян ишлар қилинмоқда.*

# Маънавий етуклик ва юксак тиббий маданият

### соғлом ва мазмунли ҳаёт гарови

Хусусан, бу борада зарур меъёрий ҳужжатлар ишлаб чиқилиб, ҳуқуқий пойдевор яратилган. Жумладан, давлатимиз раҳбарининг 2008 йил 26 декабрдаги “Ўзбекистон Республикасида ОИВ инфекциясининг тарқалишига қарши курашнинг самарадорлигини ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги, Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 5 январдаги “ОИТСга қарши кураш марказларининг ташкилий тузилмасини ва фаолиятини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ҳамда 2014 йил 10 сентябрдаги “2014 — 2016 йилларда Ўзбекистон Республикасида ОИВ инфекцияси тарқалишига қарши курашиш соҳасидаги Давлат дастурини тасдиқлаш тўғрисида”ги қарорлари мазкур йўналишдаги ишларни янада ривожлантиришда муҳим дастуриламал бўлиб хизмат қилаётир. Айниқса, 2013 йил 24 сентябрдан кучга кирган “Одамнинг иммунитет танқислиги вируси келтириб чиқарадиган касаллик (ОИВ инфекцияси) тарқалишига қарши курашиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни билан ОИВ инфекцияси тарқалишига қарши курашиш бўйича ягона тизимнинг фаолият кўрсатишини таъминлаш, хасталик профилактикаси, унга ташхис қўйиш, касалликни юқтириб олганларни бепул махсус даволаш ҳамда ижтимоий муҳофаза қилиш, шунингдек, ташхис қўйиш, даволаш ва илмий мақсадларда фойдаланиладиган тиббий препаратларнинг, биологик суюқликларнинг хавфсиз бўлиши устидан давлат назоратини, қолаверса, хасталик тарқалиши устидан эпидемиологик назоратни амалга ошириш каби қатор муҳим вазифалар белгилаб берилди.

Айтиш жоизки, бугун мазкур ҳуқуқий ҳужжатлар асосида тармоққа илғор диагностика ҳамда даволаш услублари татбиқ этилиб, нафақат биз фаолият юритаётган Республика ОИТСга қарши кураш маркази, балки вилоятлар, туман ва шаҳарлардаги тиббий муассасаларда ҳам замонавий ташхис лабораториялари, ишонч хоналари ташкил этилиб, уларнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, энг замонавий тиббий асбоб-ускуналар билан таъминлашга алоҳида аҳамият қаратилаяпти. Соҳада фаолият юритаётган мутахассисларнинг тажриба ҳамда малакаси тизимли равишда ошириб борилаётир. Бу эса касалликни вақтида аниқлаш, тўғри ташхис қўйиш, хасталик туфайли юз берадиган оғир асоратларнинг олдини олишда қўл келаётир.

Аҳолини ОИВ инфекциясига тест синови билан қамраб олиш ва касалланганларни барвақт аниқлаш мақсадида ҳар йили 3 миллион нафар киши тиббий кўрикдан ўтказилмоқда. Хусусан, жорий йилнинг ўтган даври мобайнида биргина хорижга кетаётган ва чет давлатлардан Ўзбекистонга кириб келаётган 500 минг нафардан ортиқ шахс мазкур тестдан текширилиб, уларга ОИВ инфекцияси профилактикаси тадбирлари бўйича тегишли маслаҳатлар берилди.

Республикада ретровирусга қарши махсус даво чораларини қўллаш, беморларни махсус даволаш учун Глобал жамғарма лойиҳаси ҳамда давлат бюджети ҳисобидан йилига ўртача 4 миллион АҚШ доллари миқдорида маблағ ажратилмоқда. ОИТСга қарши кураш марказларида диспансер ҳисобида турадиган беморларнинг иммун ҳолати махсус лаборатория текширувлари асосида мунтазам кузатиб борилаяпти. Бундан ташқари, ОИВ инфекцияси билан хасталанган беморларга ОИТСга қарши кураш бўйича Республика маркази қошидаги клиникада малакали тиббий ёрдам кўрсатиш йўлга қўйилган.

Қолаверса, мамлакатимизда ОИВ инфекциясининг онадан болага юқишининг олдини олишга катта эътибор қаратилмоқда. Шу мақсадда жорий йилнинг ўтган даврида 549 минг 81 нафар ҳомиладор аёл ОИВ инфекциясига текширувдан ўтказилиб, хасталик аниқланганларда касалликнинг онадан болага ўтишини олдини олиш бўйича махсус профилактика (АРВП) тадбирлари бажарилаётир.

ОИВ/ОИТСнинг олдини олишда ҳар биримиздан, энг аввало, соғлом турмуш тарзига қатъий риоя қилишимиз, миллий менталитетимизга хос фазилатларни турмуш тарзимизга чуқур сингдиришимиз талаб этилади. Шу билан бирга, ўз саломатлигимизни асрашга алоҳида эътибор қаратишимиз, ўткинчи ҳою ҳаваслар таъсирига тушиб қолишдан эҳтиёт бўлишимиз даркор. Буни “Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракати, маҳаллалар билан ҳамкорликда таълим муассасалари ва меҳнат жамоаларида соғлом турмуш тарзи тарғиботига бағишлаб ташкил этилаётган давра суҳбатлари, учрашув ҳамда семинарларда ҳам мунтазам таъкидлаймиз.

Таҳлилларга кўра, ОИВ инфекциясини юқтириб олганларнинг ҳаммасида ОИТСнинг ривожланиш даври бир хил кечмайди. ОИВ инфекциясининг ОИТС даврига ўтишини секинлаштириш, яъни беморнинг умрини соғлом одамнинг умригача узайтириш касалликка чалинган шахсларнинг ўз саломатлигига масъулият билан ёндашиши ва даволаниш тартибига риоя қилишига боғлиқлиги бугунги кунда исботини топган.

ОИВ инфекциясини юқтириб олмаслик учун, аввало, киши соғлом турмуш тарзига риоя этиши, ахлоқан пок бўлиши, қолаверса, тери ҳамда шиллиқ қаватлар бутунлиги бузилиши билан кечадиган тиббий ва нотиббий муолажалар вақтида бир марта ишлатиладиган шприц, ниналардан ҳамда стерил анжомлардан фойдаланиш, бошқалар ишлатган соқол, тирноқ олиш асбоблари, тиш чўткаси каби гигиеник воситалардан фойдаланмаслиги керак. Булар нафақат ОИВ инфекциясидан, балки бошқа юқумли таносил касалликлари ҳамда вирусли гепатитларнинг В, С турлари юқишидан ҳам ҳимоя қилади.

**Ғулом РАЖАБОВ,**
**Республика ОИТСга қарши курашиш маркази директори ўринбосари.**

# Спорт

*АҚШнинг Хьюстон шаҳрида оғир атлетика бўйича катталар ўртасида жаҳон чемпионати ўтказилди.*

## Олимпиадага бешта йўлланма

Унда дунёнинг 98 давлатидан спортчилар қатнашиб, совринли ўринлар билан бирга, келаси йили Бразилиянинг Рио-де-Жанейро шаҳрида бўладиган XXXI ёзги Олимпиада ўйинлари йўлланмалари учун баҳс олиб борди.

Аввало, шуни айтиб ўтиш жоизки, мазкур спорт тури бўйича тўрт йилликнинг энг нуфузли мусобақасига лицензиялар сўнгги икки жаҳон чемпионатида терма жамоалар қайд этган натижаларга кўра тақсимланади. Регламентга кўра, умумжамоа ҳисобида 1 — 6-ўринни эгаллаган терма жамоаларга 6, 7 — 12-ўринларни банд этган мамлакат вакилларига 5, 13 — 18-ўринларга сазовор бўлганларга 4 ва ниҳоят 19 — 24-ўринни эгаллаган давлатлар спортчиларига 3 та йўлланма тақдим қилинади.

Қувонарлиси, ўтган йили Алмати шаҳрида ўтказилган ҳамда бу галги жаҳон чемпионатлари якунларига мувофиқ, Ўзбекистон эркаклар терма жамоаси умумжамоа ҳисобида саккизинчи ўринни эгаллади ва Олимпиада ўйинларига бешта йўлланмани қўлга киритди.

АҚШда ташкил этилган дунё биринчилигида ҳамюртимиз Иван Ефремов (-105 кг.) даст кўтариш беллашувида 192 килограмм оғирликдаги тошни бўйсундириб, олтин медаль билан тақдирланди. Мазкур вазн тоифасида яна бир умидли спортчимиз Сардорбек Дўстмуродов штангани силтаб кўтаришда 228 кг. натижа билан бронза медалига сазовор бўлди. Шунингдек, Олимпиада ўйинлари йўлланмалари қўлга киритилишида Улуғбек Алимов, Муҳаммад Бегалиев, Рустам Жангабоев, Адҳамжон Эргашев ва Фарҳодбек Собиров муносиб ҳисса қўшди.

**Ф. ИБРАГИМОВ тайёрлади.**

*Озарбайжон пойтахти Боку шаҳрида спорт курашлари бўйича уюштирилган Гран-при турнирида ўзбекистонлик полвонлар муносиб иштирок этди.*

## Нуфузли мусобақада муносиб ғалаба

Жумладан, истеъдодли эркин курашчимиз Бекзод Абдураҳмонов вазни 70 килограммгача бўлган спортчилар ўртасида барча рақибини мағлубиятга учратиб, олтин медални қўлга киритди.

Юнон-рум кураши бўйича беллашувларда эса Элмурат Тасмурадов (-59 кг.) кумуш медаль совриндори бўлди.

*Пойтахтимизда таэквондо (WTF) бўйича ўсмирлар ўртасида Ўзбекистон чемпионати бўлиб ўтди.*

## Навқирон чемпионлар

Ўзбекистон Маданият ва спорт ишлари вазирлиги ҳамда Таэквондо (WTF) ассоциацияси томонидан ташкил этилган мусобақада Сардор Тоиров, Баҳодир Ўлмасов, Жасур Эркинов, Бўстон Турсунов, Самандар Илёсхўжаев, Нигора Турсунқулова, Мадина Маннопова, Милана Говдаева, Зуҳро Очилова каби умидли спортчилар ўз вазн тоифасида ғолибликка эришди.



# Мутолаа фикрни тиниқлаштиради

Мендан мабодо, ёқтирган машғулотингиз нима, деб сўраб қолишса, газета мутолааси, дея жавоб қайтарган бўлардим. Чиндан ҳам, вақтли нашрларни канда қилмай ўқиб бораман. Айниқса, “Халқ сўзи” севимли газетамдир.

## ДИЛ СЎЗИ

Ҳаётий тажрибамдан яхши биламан: вақтли матбуот билан мунтазам танишиб борган киши жуда кўп ахборотга эга бўлади. Ахборот эса бугунгидек глобаллашаётган даврда муҳим ўрин тутади.

Яқинда “Халқ сўзи”да юртимизга ташриф буюрган чет эллик сайёҳлардан бирининг “Ўзбекистон халқининг самимий, меҳмондўст, бағрикенг эканлигини кўриш жуда мароқли”, деган эътирофини ўқиб қолдим. Бу сўзларни дарҳол ёндафтаримга ёзиб олдим. Жойларда ёшлар билан учрашувлар чоғида, турли тадбирларда хорижлик меҳмоннинг ана шу дил сўзини мисол тариқасида келтириб, фарзандларимизни она-юртга, миллий қадриятларимизга садоқат руҳида камол топишга даъват этаяпман.

Ёки нашрда мунтазам бериб борилаётган “Абадият гулшани” саҳифасини олинг. Унда улуғ мутафаккир, буюк бобокалонимиз Алишер Навоий ҳаёти ва ижодига бағишланган мақолаларни ўқиб, кишининг фикри тиниқлашади. Шоир асарлари таҳлили мутолаасидан сўнг ҳаёт мазмунини, эзгулик, меҳр-оқибат ва халқпарварлик моҳиятини теран англаб етгандек бўласиз. Шунингдек, газетанинг “Онажоним — табиат”, “Спортнинг сирли олами”, “Кўнгил хиёбони”, “Юзма-юз”, “Водийларни яёв кезганда...”, “Энг гуллаган ёшлик чоғимда” саҳифаларини ҳам айни шу сабаб жуда катта қизиқиш билан кузатиб бораман.

“Халқ сўзи”ни ёши ва касбидан қатъи назар, барча кишиларга ўқишни тавсия этган бўлардим. Чунки газетхон, китобхон оилаларнинг фарзандлари ҳар томонлама баркамол вояга етишларига ишончим комил.

**Юсуф ҚУРБОНОВ.**
Бухоро шаҳри


«FPI DELIVERY SERVISE» МЧЖ

боғ қатор оралари, иссиқхона, томорқа ерларига ишлов беришга ҳамда хашак ўришга мўлжалланган ихчам, қулай ва камхаражатли мотокультиваторларни тавсия қилади.

*Мотокультиваторлар 6, 6,5 ва 9 от кучига эга. Дизель ва бензин ёнилғисида ишлайди.*



Маҳсулотлар сертификатланган.

Манзил: Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, Боғишамол кўчаси, 8-уй (мўлжал: Юнусобод тумани, 1-сонли нотариал идора).
Маълумот учун тел.:
(+99890) 176-81-45, 968-56-77, 989-09-62, (0-371) 234-42-17.

884R/449

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР



«Қибрай»
*клиник санаторийси*
юрак-қон томир ва асаб тизими касалликларини даволаш бўйича мамлакатимиздаги етакчи ихтисослаштирилган сиҳатгоҳдир. Бу ерда 2 нафар профессор, олий тоифали кардиолог, невропатолог, пульмонолог ва бошқа етук мутахассислар тиббиётнинг энг илғор усуллари асосида беморларни даволайдилар.
Фин, турк, япон сауналари, бассейн ва жакузи ванналари, фитобочка, инфрақизил нур билан даволаш хонаси ишлаб турибди.
Сиҳатгоҳда фитобар, теннис корти ва яна кўплаб қулайликлар мавжуд. Яшаш хоналари кабель ТВ ва маиший электр асбоблари билан жиҳозланган.
Ошхонада 5 маҳал парҳез таомларни ўз ичига олган таомнома тавсия қилинади.
ХИЗМАТЛАР ЛИЦЕНЗИЯЛАНГАН.
*Манзилимиз:*
Тошкент вилояти, Қибрай тумани, Қибрай қўрғони. Метронинг «Буюк Ипак йўли» бекатидан 101-автобус ёки 135-йўналишли таксида «Дача» бекатигача бориш мумкин.
Тел.: (0-371) 286-01-46, 286-02-00, 286-01-97.
02R/955

«NEW TRANS ALLIANCE» МЧЖ

«Халқ сўзи» газетасининг 211 (6394) ва 223 (6406)-сонларида чоп этилган эълонларда 2015 йил 26 ноябрь ва 2015 йил 21 декабрга белгиланиб, Бекобод шаҳар СИБ томонидан аукцион савдоларига қўйилган автотранспорт воситалари Бекобод шаҳар СИБнинг 2015 йил 25 ноябрдаги 137-сонли хатига асосан, аукцион савдоларидан олинганлигини маълум қилади.
1765A/836



Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 1267. 72 494 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

Газетамиз ҳақидаги маълумотларни юклаб олиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона (0-371) 233-52-55;
Котибият (0-371) 233-10-28; Эълонлар (0-371) 232-11-15.

ISSN 2010-8788

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Реклама материаллари учун таҳририят жавобгар эмас.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор Ж. Тоғаев томонидан саҳифаланди.

Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига “Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул. Босмахона телефони: (0-371) 233-11-07.

МАНЗИЛИМИЗ:
100000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.

Навбатчи муҳаррир — Қ. Хидиров.
Навбатчи — Д. Содиқов.
Мусаҳҳиҳ — С. Исломов.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎзА якуни — 21.15 Топширилди — 22.15 1 2 3 4 5